



## ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАДА

### Жамоатчилик назоратининг асоси ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари мустаҳкамланмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экологик ҳаракат депутатлик гуруҳи йиғилишларида мамлакатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси асосида киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланди. Энди мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилинади.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг Конституциянинг қабул қилинган 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш, Парламентнинг ўрни ва ваколатларини янада кенгайтириш, унинг Вазирлар Маҳкамаси устидан назорат функцияларини кучайтириш, жамоатчилик назоратининг савияси ва самарасини кўтариш ҳолатлари амалга оширишга хизмат қилишини таъкидлашмоқда.

**Алишер ТИЛЛАБОЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Биз қонун лойиҳасида ижро этувчи ҳокимият устидан жамоатчилик назоратини таъминлашни назарда tutувчи қонунларга алоҳида эътибор қаратдик. Чунки, жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Бу институтнинг Конституция даражасида мустаҳкамланиши давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик ролини кенгайтиришни таъминлайдиган яхлит тизимнинг шакллантирилишига хизмат қилади.

Шунингдек, Конституцияга киритилган янгиликлар депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишга қара-

тилгани ҳам «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили босқичма-босқич амалга оширилишига замин яратади.

**Алия ЮНУСОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасига мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар ҳокимияти тегинли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниши ҳақидаги норма белгилаб қўйилиши назарда тутилган. Бу маҳаллий ижро ҳокимиятининг халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги кучайишини аниқлатади.

Ушбу норманинг ҳаётга жорий этилиши ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳар томонлама пухта муҳокама қилинишига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан жамоатчилик вакилларининг ўрни ва роли оширишга шароит яратиши билан аҳамиятлидир. Энг муҳими, бу ҳудудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда аҳоли барча қатламлари манфаатларининг тўлиқ ифода этилишига асос бўлади.

## Партиянинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи

ўз қатъий позициясини намоён этиш орқали мустаҳкамланади



## Сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар

### ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

13-17 март кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлов округларида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ ташкил этилган мазкур учрашувларда ЎзХДП фракцияси аъзолари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган муҳим воқеалар, миллий парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти, аини пайт-

да муҳокама қилинаётган қонунлар лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, Президентимизнинг Конституциянинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган ҳолатлар билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

► Давоми 2-бетда.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаётган, кўшимча иш ўринлари яратётган корхоналарга солиқ, молиявий имтиёзлар ҳамда бошқа энгилликлар берилишига эришиш учун ҳаракат қилади.

### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

## «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!»

Жиззах вилоятида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида саломатлик ҳафталиги бўлиб ўтди. Унда тиббиёт институтларининг профессор-ўқитувчилари, вилоятдаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари шифокорлари аҳолини тиббий кўриқдан ўтказди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Саломатлик ҳафталиги ҳам бунинг амалдаги ифодасидир.

Терапевт, кардиолог, жаррох, невропатолог, офтальмолог, уролог, бола-лар ва аёллар шифокорларидан иборат гуруҳ аъзо-

лари вилоятнинг чекка қишлоқларида бўлишди. Бола-лар ва аёллар, тиббиёт мусассасаларига бориш имконияти чекланган беморларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир давомида асосий эътибор ЎзХДП электорати бўлган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига, ногиронларга қаратилди. Мирзачўл туманида тўрт

юз нафардан зиёд аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Туман тиббиёт бирлашмаси поликлиникаси ва марказий шифохонаси замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, беморларни малакали кўриқдан ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган.

Наврўз байрами арафасида ўтказилган бу хайрли тадбир натижасида қанчадан-қанча инсонлар ўз дардига даво топишди, малакали шифокорлардан маслаҳатлар олишди.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг юртимизда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди.

Ўз мухбиримиз.

### Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

## Юксак эътибор ва гамхўрлик ифодаси

Бир гуруҳ ангрелик ёш оилаларга янги уйлариинг калитлари топширилди

Мамлакатимиз Президентини Исрол Каримовнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарори фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда вояга етиши йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва гамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Ёш оилалар мустаҳкамлиги кўплаб оилаларга, хусусан, уларнинг уй-жой билан таъминланишига боғлиқ. Ўз уй-жойига эга бўлган ёшларнинг ҳаётга иштиёқи, келажакка ишончи, ўз касби ва Ватанига муҳаббати янада орттирилади.

Турар-жойга эга бўлган ёш оила вакиллари орасида ангрелик Камолдин Тожибоев ҳам бор. Унга уч хонали уйнинг калити топширилди.

— Давлатимиз раҳбарининг ёш оилаларга қаратаётган алоҳида эътибори туфайли ўз уйимизга эга бўлдик, — дейди Камолдиннинг турмуш ўртоғи Нодира Тожибоева. — Бунга жавобан фарзандларимизни эл-юртга нафи тегадиган етук инсонлар этиб тарбиялаймиз, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими А.Усмонов сўзга чиқди.

Х.САЛИМОВ,  
ЎзА мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш сари яна бир муҳим қадам



www.uzbekistonovozi.uz

**Рашид ИСМАИЛОВ,**  
ЎзХДП Нукус шаҳар кенгаши раиси:



— Бозор муносабатлари шароитида муносиб ҳақ тўланадиган ишга эга бўлиш кўп жиҳатдан одамнинг ўзига, билими ва қобилиятига боғлиқ. Яхши мутахассис ҳеч қачон кўчада қолмайди. Ҳаммамиз ҳам буюртмамизни ўз касби, хунарининг устаси бажаришини, бизга юқори малакали хизмат кўрсатилишини истаймиз, бу табиий.

Демак, биз, аввало, касб-хунар коллежларида ўз касбини пухта ўзлаштирган, ўзгарувчан бозор конъюктураси шароитларига мослашиб кета оладиган мутахассислар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Бу борада ҳар бир партия ташкилоти ҳамда ҳар бир депутат тегишли ҳудудларда ўз ваколатлари доирасида назорат ўрнатилиши лозим.


Бундан ташқари, биз битирувчилар ўз мустақил бизнесини йўлга қўйиши, ўзи ва бошқалар учун ҳам иш ўринлари яратишларига кўмаклашсак, бандликни таъминлаш имкониятлари кенгайди.

Бир саволга икки жавоб

Газетамизнинг ўтган соҳида ушбу руқни остида касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича партия етакчиларининг фикрлари берилган эди. Ушбу муҳим масала юзасидан маҳаллий кенгашлардаги партияимиз фаоллари ҳам тақлиф билдиришмоқда.

**САВОЛ: Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан тўлиқ таъминлаш учун партия ташкилотлари ва депутатлари нисбатан нималар талаб этилади?**

**Холиёр КОДИРОВ,**  
халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси:



— Коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича мамлакатимизда тизим яратилган. Яъни, ёшлар ҳали ўқишини тугатмасдан битирувчи, коллеж ва иш берувчи ўртасида уч томонлама шартнома тузилади.

Таҳриба кўрсатаётгани, айрим иш берувчилар ўзида мавжуд ёки ташкил этиладиган иш ўринлари сонига нисбатан кўп битирувчи билан шартнома тузилади. Айрим ҳолларда, корхонада бўш ўрин йўқлигига қарамасдан, битирувчиларни ишга қабул қилиш ҳақида шартномага имзо, муҳр қўйишмоқда. Табиийки, бу ҳолат кўпгина битирувчиларнинг ишга жойлаша олмаслигига сабаб бўлади.

Демак, биз, аввало, уч томонлама шартномалар тузиш амалиётини такомиллаштиришимиз, шартномалар қай даражада асосли тузилгани ва улар бажарилиши устидан депутатлик, жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз, бу борада учраётган масалаларни вакиллик ҳокимияти муҳокамасига киритишимиз зарур.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида Тошкент вилоятида навбатдаги тадбир ташкил этилди.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонидани танишасиз.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕИ

Ўз қатъий позициясини намоён этиш орқали мустаҳкамланади



Нукус шаҳрида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлашда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг муҳим вазифаларига бағишланган ўтказилган семинарда бу фикрлар кучли ижтимоий сиёсатни ҳаётимизга янада изчил татбиқ этиш, ижтимоий соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Семинарда партия фаолиятини кучайтиришнинг турли йўналишлари бўйича қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси Хотамжон КЕТМОНОВ бугунги устувор вазифалар ҳақида сўз юритди.

Партиянинг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Партиянинг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Партиянинг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Партиянинг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Партиянинг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

лари, корхона, ташкилотлар раҳбарларига 245 та депутатлик сўрови юборилган. Партия Ҳаракат дастурида белгиланган ва бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида улар томонидан жойларда партиянинг электрот манфаатига қаратилган қатор ижтимоий-иқтисодий масалалар ўрганилди. 20 та масала партия гуруҳларида кўриб чиқилган бўлса, 2 та масала доимий комиссиялар йиғилишлари, 9 таси эса сессиялар муҳокамасига киритилган. Жумладан, халқ депутатлари

фаолиятини ҳимоя қилиш бўлимидаги ишлари, улардаги камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар танқидий ўрганилди ва улар бўйича фикрлар билдирилди.

— Депутатларимиз ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан ўзининг фикр-мулоҳазалари, аниқ позициясини намоён этиши зарур, — деди «Қарақалпоқстан ҳауазы» газетаси муҳаррири, партия фаоли Шарофдин Аяпов. — Маъ-

этиборида бўлиши кераклигини таъкидлади. Семинар қатнашчиларининг кўпчилиги ёшлар эди. Улардан бирининг фикрлари барчада яхши таассурот қолдирди.

— Менимча, партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятга имконияти чекланган ёшларни ҳам кенг жалб этиш лозим, — деди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Қорақалпоғистон республика бўлими қошидаги «Ёш сиёсатчи» клуби координатори Хурлиман



20 та масала партия гуруҳларида кўриб чиқилган бўлса, 2 та масала доимий комиссиялар йиғилишлари, 9 таси эса сессиялар муҳокамасига киритилган.

Кегайли туман Кенгашининг 17-сессиясида қишлоқ жойларида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, хусусан, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилигини таъминлаш, ҳудудларни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда партия ташкилотларининг амалий иштирокини янада кенгайтириш принципи аҳамиятга эга, — деди ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Қуватбой Қурбанбаев. — Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгесидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари 23 нафарни ташкил этади, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашиларида партиянинг 163 нафар депутати фаолият олиб бормоқда. Ўтган йил давомида жойларда учраётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви орган-

лумки, партиянинг Сайловолди дастурида давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари масъулиятини ошириш, аҳолининг эҳтиёжидан қатъий назар аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган мақсадли давлат дастурлари бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган. Депутатлар оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларида бу борада партиянинг позициясини кенг жамоатчиликка эълон қилиб бориши керак, деб ўйлайман.

Тадбирда ЎзХДП Беруний туман кенгаши раиси Халилла Ешимбетов сўзга чиқиб, аниқ, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш каби муҳим масалалар партиянинг доимий

Нуржанова. — Биз кўпчилик иқтидорли, муайян ютуқларга эришаётган ёшлар билан ишлашга ўрганиб қолганми. Жисмоний имконияти чекланган тенгдошларимиз орасида ҳам шундай истеъдодлилари, сиёсий жараёнларга, партиялар фаолиятига қизиқадиганлари жуда кўп. Улар билан ишлаш фаолиятимизнинг алоҳида йўналиши бўлиши зарур. Бу электротратимизнинг шу қисми манфаатини ҳимоялаш, дастурий мақсадларимизни рўйбга қадариш нуктаи назаридан ҳам жуда муҳим.

Семинарда партия ташкилотлари ва гуруҳларининг маҳаллий вакиллик ҳокимиятидаги фаолияти самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган тақдир ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, Мнаҳатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ, ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ИШЛАБ ЧИҚАЯПМИЗ. ПЕНСИЯ, НАФАҚАЛАР ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИНИ ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ ВАКИЛЛАРИГА ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИГА МУТАХАССИСЛАРНИ ЖАЛБ ЭТАЯПМИЗ.



Сайлов ШОТУЛАТОНОВ олган сурат.

Лойиҳа самарадорлигини ошириш лозим

«МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТимоий Қўллаб-қувватлаш Маркази»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси маҳаллалар билан ҳамкорлик орқали ўз дастурий мақсад ва вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, маҳалла аҳолиси, аниқсиз, партия электротати вакилларини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, электрот учун фойдали бўлган масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилар сессияларида, доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқиш ва ҳал этиш билан бирга, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда муҳим ҳаётли восита вазифасини бажармоқда.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Учтепа тумани «Қўрғонтепа» маҳалласида «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида ташкил этилган давра суҳбатига ҳам бу масалалар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Конунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Саттор РАҲМАТОВ. — Боиси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги тахририда қўл қилиниши маҳалланинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтирди. Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида маҳалла 10 га яқин ҳуқуқий ваколатга эга бўлган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 30 дан ортади. Президентимиз гоёси асосида маҳалла фаолиятига жорий қилинган янги меъёрлар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда, ҳудудларда оливалый тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришда, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришда маҳалла институтининг ваколатини кенгайтиради. Бундан, аввало, партиянинг электротати манфаат кўради.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, Пенсия жамғармаси, «Маҳалла» хайрият жамоат фонди, партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, электрот вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

— Бугунги кунда маҳаллаларнинг жамият ҳаётида тугган ўрни тобора юксалиб бормоқда, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова. — Бу эса инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаолигини ишлаб чиқиш, тегишли доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Аҳоли вакиллари парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда амалга ошириш механизми ҳақида бир қатор саволлар билан мунозама қилинди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар, Бандлик дастури ижросини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳолати тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тақдирлар ишлаб чиқиш, тегишли доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, депутат халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашидаги партия гуруҳи йиғилишида ҳам иштирок этиб, унда Чортоқ транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳолати тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тақдирлар ишлаб чиқиш, тегишли доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар, Бандлик дастури ижросини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳолати тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тақдирлар ишлаб чиқиш, тегишли доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Давра суҳбатига қонунларнинг қандай ижро этилаётгани, манзилли ижтимоий ҳимоя масалаларида фуқаролар қандай муаммо ва тўсиқларга дуч келаётгани, уларнинг сабаблари, бартараф этиш йўллари ҳусусида фикр юритилди. — Маҳалланинг халқимиз ҳаётидаги ўрни янада мустаҳкамланади, — дейди Олий Мажлис мухбири.

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар

Депутатларнинг таъкидлашича, юзма-юз мулоқотлар чоғида юртимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлидаги ислохотлар ва ўзгаришлар сайловчилар, кенг жамоатчилик вакилларида катта қизиқиш уйғотган.

ЎзХДП фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашув-мулоқотлари пайтида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида баркамол авлодни вояга етказиш, аёлларнинг рўзгор юмушларини енгиллаштириш, оилаларнинг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш чоралари белгилангани, кучли ижтимоий ҳимояга асосланган сиёсат ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ҳақида батафсил сўз юритилди.

Наманган вилоятидаги 44-Тўрақўрғон сайлов округидан парламент куйи палатаси депутати Зиёвуддин Мансуров ҳудуддаги Шаҳанд, Ёртепа, Аҳси қишлоқ фуқаролар йиғинларида, Мингбулоқ туманининг Жомашўй шаҳарчасидаги маҳаллаларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Уларда дунёнинг қатор ривожланган давлатларида юзма-юз мулоқотларининг алоҳида таъкидланди. Айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ режа ишлаб чиқилди. Шунингдек, депутат «Сиёсий

партиялар тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар орқали сиёсий партияларнинг маҳаллий ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги роли ва ўрни янада мустаҳкамлангани, шу боис яратиб берилган имкониятдан электрот манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида самарали фойдаланиш кераклигини таъкидлади. Депутат учрашувлар пайтида сайловчилардан тугган қўллаб-қувватлаш жавоб берди, кўтарилган масалаларни депутатлик ваколатлари доирасида ҳал этиш учун тегишли



Сайловчилар ўзларининг парламентдаги вакиллари билан мулоқотларда фаол иштирок этишди. Жойларда депутатлар қабули ташкил қилинди.

вазифаларни белгилаб олди. Наманган вилоятидаги 47-Чортоқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Холиқова сайловчилар билан учрашувларда парламентда кўриб чиқилаётган бир қатор қонунлар лойиҳалари, хусусан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси асосида киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг аҳамиятига эътибор қаратди.

Депутатларнинг таъкидлашича, юзма-юз мулоқотлар чоғида юртимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлидаги ислохотлар ва ўзгаришлар сайловчилар, кенг жамоатчилик вакилларида катта қизиқиш уйғотган.

# Ҳуқуқ ва эркинликлар муҳофазаси

## ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусий мулк эгалари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофазалаш адлия органларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини ўтгани, агар адолатсизликка йўл қўйилса қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги доимо диққат марказимизда. Баъзан эса биргина ариза ортида ўйлаб одамлар манфаати, юзлаб одамларнинг иш билан бандлиги масаласи туради.

Айрим мисолларга эътибор қаратайлик. Вилоят адлия бошқармасига Фарғона шаҳрида яшовчи фуқаро М.Бойдадаевдан ариза келиб тушди. Аризада Фарғона вилоят Ённингга қарши курашиш жамияти томонидан ишлаган даврлари учун ойлик иш ҳақи ўз вақтида берилмаётганини кўрсатилган. Мурожаат ўрганилиши давомида жамият унга 1 380 212 сўм иш ҳақидан қарадорлиги маълум бўлди.

Аниқланган ҳолат юзасидан М.Бойдадаевнинг иш ҳақини ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманларо судига даъво ариза киритилди. Фарғона вилоят Ённингга қарши курашиш жамиятидан фуқаро М.Бойдадаевнинг фойдасига 1 380 212 сўмлик иш ҳақини ундириш бўйича суд буйруғи чиқарилиши таъминланиб, фуқаронинг манфаатлари ҳимоя қилинди.

Утган йил бошқарма томонидан виллоятдаги идора ва ташкилотларда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ва «Таълим тўғрисида»ги қонунлар ижросининг аҳолини ўрганилди. Урганишлар жараёнида 4255 та қонунбузулиш ҳолатлари (шундан 907 таси соғлиқни сақлаш бошқармасида, 3099 таси таълим муассасаларида, 249 таси молия

бошқармаси ва унинг тизимларида) аниқланди. Қонунбузулиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 2013 йил давомида жами 65 тақдимнома киритилган бўлса, ушбу тақдимномалар натижалари юзасидан жами 99 нафар шахсга интизомий таъсир чоралари қўлланилган, 22 маъмурий тақлиф ваколатли органларга юборилиб, жами 30 нафар мансабдор шахсга маъмурий жазо чоралари қўлланилган. Тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманларо судларига жами 205 ёки 315 978 275 сўмлик даъво ариза киритилган ва улар қаноатлантирилган.

Айрим тадбиркорлик субъектларининг фаолият юртимаслик сабабларини таҳлил қилиш ва улар фаолиятини тиклаш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, солиқ инспекцияси, савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, мавжуд муаммолар аниқланди. 121 нафар тадбиркор билан бошқарма ходимлари учрашиб, суҳбат ўтказди. Шундан 64 тадбиркорлик субъектига амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида фаолияти қайта тикланишига эришилди.



**Вилоятнинг туман ва шаҳарларида ўтказилган 616 ўрганишлар натижасида 20999 қонунбузулиш ҳолатлари аниқланган. Улар юзасидан тегишли жойларга 653 тақдимнома киритилди.**

ди. Натижада йўқотилган 188 иш ўрни қайта тикланди. Масалан, Тошлоқ туманида муайян мuddатдан бери фаолият юртимасдан келаётган «Тошлоқ Хосият Савдо» хусусий корхонасига тегишли бўлган бино ҳужжатларини расмийлаштиришдаги сансозлик корхона фаолияти тўхтаб қолишига сабаб бўлган. Бу муаммо ҳал этилишига кўмаклашди. Натижада замонавий кафетерия ва канцелярия моллари билан савдо қилувчи дўкон фаолияти тикланишига эришилди.

Тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишларини назорат қилиш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўтган йил давомида виллоят, туман ва шаҳарларида ўтказилган 616 ўрганишлар натижасида 20999 қонунбузулиш ҳолатлари аниқланган. Улар юзасидан тегишли жойларга 653 тақдимнома киритилди. Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 802 нафар шахс интизомий, 72 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Киритилган тақдимномалар асосида

2 528 418 965 сўм пул маблағ ўз эгаларига қайтарилиши таъминланди. Жумладан, Данғара туманида фаолият кўрсатаётган МЧЖ шаклидаги «MUSAVARTEX» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида ўтказилган мониторинг давомида «Кўқондонмахсулотлари» ва «Фарғонадонмахсулотлари» ОАЖлар етказиб берилган махсулотлар ҳақини тўлаб бермаётганлиги аниқланиб, виллоят ҳўжалик судига қўшма корхона фойдасига 211,6 миллион сўм қарадорлиқни ундириш юзасидан даъво аризалари киритилди. Оқибатда унинг фойдасига «Кўқондонмахсулотлари» ОАЖ ҳисобидан 116 067 500 сўм, «Фарғонадонмахсулотлари» ОАЖ ҳисобидан эса 24 520 000 сўм ундириб берилди.

Адлия органларининг муҳим вазифаларидан бири бу — қонунлар ижроси устидан назорат-таҳлил ишларини олиб бориш.

Бошқарма иш режасига асосан Қувасой, Кўқон шаҳарлари ҳамда Учкўприк туман ҳокимликлари фаолиятида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишга оид қонунчиликка риоя этилиши ўрганиб чиқилди. Урганишлар давомида ҳокимликлар фаолиятида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш соҳасида 136, тугатиш соҳасида 324 та, жами 460 камчилик ва қонунбузулиш ҳолатлари аниқланиб, қонунбузулиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ҳокимликларга тақдимнома киритилди ва 4 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Бош Қомусимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги принципига оғишмай риоя этиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Дарҳақиқат, конституциявий принципларни амалга ошириш ҳуқуқий-демократик давлат қуришнинг муҳим шартидир.

**Абдубанно МАДАЛИМОВ, Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғи.**



## Дунё Табиий механизм



### сайёрамизни асрайди

**АҚШнинг Вестфорд шаҳридаги «Haystack» обсерваторияси мутахассиси Жон Фостер етакчилигидаги олимлар гуруҳи она сайёрамизни унинг юзасида шаклландирган табиий механизм магнит зарраларига тўйинган Кўёш шомолидан асрашни кузатув-тадқиқот натижасида аниқладилар ва илмий тафсилот хулосаларини «Science» журналида чоп этдилар.**

Олимларнинг тушуниришича, сайёрамиздан доимий «бугуналиб», юқорига кўтарилувчи плазма Кўёшдаги портлаш оқибатида юзага келади ва унинг натижасида шиддатли зарралар оқимининг кучини «кесди». Яъни, Кўёшнинг тўйинган магнит зарралари она сайёрамизнинг магнитосферасига етиб келгач, ўзаро таъсирга киришади, антропоген, қисқа тугатув юзага келади ва унинг натижасида пайдо бўлган магнит бўронининг маълум қисми Ерғача етиб келади.

Шу пайтгача Кўёш магнит бўронларининг Ерғача етиб келиши Кўёш шомолининг кучига боғлиқ, деб қараларди.

## Янги илмий марказ



### космик чиқиндиларни йўқ қилади


**Австралиядаги Маунт-Стромло обсерваторияси базасида космик чиқиндиларни йўқ қилишга ихтисослашган янги илмий марказ ташкил қилинди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.**

Маъмур муассасига Космик кенгликларда экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳамкорлик илмий маркази, дея ном берилди. Марказнинг илмий раҳбари Бен Гриннинг айтишича, унинг асосий мақсади космик чиқиндиларни кузатиш, траекторияси ва йўналишини аниқлаш, охири-оқибат лазер ёрдамида уни Ер атмосферасига яқинлаштириш орқали атмосфера қатламига кириштириш иборат. Атмосфера қатламига кирган эса чиқинди ишқаланиши натижасида Ерғача етиб келмай ёниб кетади.

Маъмур лойиҳа 150 миллион Австралия доллари (135 миллион АҚШ доллари атрофида) миқдорида молиялаштиришни тақозо қилади. Австралия ҳукумати 20 миллион доллар миқдорида маблағ ажратмоқчи. Қолгани эса хусусий компаниялар ва Австралия, АҚШ ҳамда Япониянинг илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳисобидан қопланади.

Маъмур янги марказ жорий йилнинг ўрталаридан фаолиятини бошлайдиган. Олимлар маълумотларига қараганда, бугунги кунда Ер орбитасидаги коинот кенгликларда 300 мингга яқин турли хажмдаги космик чиқиндилар учиб юрибди. Улар ишдан чиққан космик аппаратларнинг болталари, қисмлари ва шунга ўхшаш нарсалардан иборат.

## Уйқунинг камлиги ёмон оқибатларга олиб келади



**Олимлар талқин қилишларига, 5 соатдан кам ухлаш миқдорининг мувофиқлаштирувчи вазифани бажарувчи қисмида бузилишларни юзага келишини пайдо қилади. Айниқса, бу ҳолат ёшларда кўпроқ акс таъсир беради, дейилади «Воху» нашри тарқатган ахборотда.**

Шу боисдан ҳам уйқусиз кечадан кейин автомобиль бошқариш қатъий тақиқланади. Айнан уйқунинг етишмаслиги организмда кортизол «стресс» гормони концентрацияси ортиб кетишини юзага чиқаради. Натижада тана ҳарорати бироз паст бўлади, иммунитет эса тўлиқ куч билан ишлай олмайди. Бундай ҳолатда мия ҳудуд мاست ҳолатдаги сингари атроф-муҳитга «аниқ» муносабат билдирилмайди.

## МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Республика Марказий банки томонидан «Соғлом бола йили» давлат Дастури доирасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда оилавий бизнес, касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини, шунингдек, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни» мавзусида матбуот аниқлаштирилди. Унда Марказий банк ҳамда бир қатор республика тижорат банкларининг маъсул ходимлари иштирок этди.

— Жорий йилда кичик бизнес субъектларини, айниқса, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш банк тизими сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади, — дейди Республика Марказий банкнинг Тижорат банклари инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори Азамат Қосимов. — Бу йил барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 7,5 триллион сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди. Хусусан, касб-ҳўнар коллежлари

## Касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларига

**жорий йилда 160 миллиард сўм миқдорига имтиёзли кредит ажратиш белгиланган**

битирувчиларининг ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 160 миллиард сўм миқдорига имтиёзли кредит ажратиш белгиланган. Биргина ўтган йилнинг ўзида оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва хўнарандчиликни ривожлантиришга йўналтирилган микромолиявий хизмат-

лар миқдори қарийб 137 миллиард сўмни ташкил этди. Натижада қишлоқ жойларида қўллаб-қувватлаш хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Оилавий бизнес имкониятлари кенгайишига йўналтирилган кредитлар миқдори 170 миллиард сўмни ташкил этди. Жорий йилда тадбиркор аёлларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида

лойиҳалар бўйича 11 мингга яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш орқали қишлоқ оилаларини шинам уй-жойлар билан таъминлаш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун 1 триллион сўмдан ошқ кредит ажратилиши белгиланган.

Банклар сўнги пайтда жойларда бозор инфраструктурасини ўзгартириш жараёнида ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу йил қарийб 1 триллион сўм кредит эвазига замонавий савдо-маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш ва кенгайтиришга қаратилган минглаб лойиҳалар молиялаштирилди. Натижада олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ жойларида ҳам замонавий типдаги маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари ишга туширилди. Анжуманда тижорат банкларининг маъсул ходимлари томонидан мавзу юзасидан маълумотлар тақдим этилди ҳамда журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоблар берилди.

**Тотшемир ХУДОЙКУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

## Реклама

### «GLOBAL SAVDO FAYZ BUHARA» МЧЖ

**Бошланғич баҳоси ошиб борш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига асосан «Ўзгурсуғурта» ДАКК (ОАЖ) Бухоро вилояти, Когон филиалига тегишли 2007 йил и/ч, д/р 80/592 САА бўлган «Лада» ГБАСНГ 21154-110-20 рўсумли автомобилни сўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 4 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 18 апрел кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Ўқоридидаги мулклар 2014 йил 18 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрибий аукцион савдолари 2014 йил 25 апрел кунини соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖнинг ДТ «Халқ банки» Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги куйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт:

х/р: 20208000405017774001, МФО: 00116, ИНН: 302485226.

Қўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат қилишнгиз мумкин. «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ. Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (8-365) 221-54-43.

## РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

## Яқин кўмакчи, ишончли ҳамкор



Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ташқи бозорга йўналтирилган корхоналар фаолиятини ривожлантиришга катта омили баҳш этди. Маъмур қарорга мувофиқ Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг филиаллари Ўзбекистон махсулотларини экспортга олиб чиқиш масалаларини янада кенгайтириш масалалари билан шуғулланмоқда.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хорижий ҳамкорларни топиш, экспорт операцияларини амалга ошириш, экспорт қилувчиларни эҳтимолий хавф-хатарлардан ҳимоя қилишда, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензиялар, сертификатлар ҳамда бошқа

рухсатномаларни олиш ва тўлашда юридик, молиявий ва ташкилий хизматларни кўрсатмоқда. Шунингдек, уларнинг чет эллардаги халқаро кўргазма ва ярмаркаларда, тендер савдоларида иштирокларини ташкиллаштиришда кўмаклашаётти.

Чунончи, филиал томонидан ўтган қисқа давр мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилди. 20 га яқин кичик бизнес ва хусу-

сий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган ҳуқуқий, ташкилий хизматлар натижасида жами 800,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги экспорт шартномалари тузилди. Умумий қиймати 609,0 минг АҚШ доллари яқин махсулотлар Хитой, Россия, Беларусь ва бошқа давлатларга экспорт қилинди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларидан давра суҳбатлари ўтказилиб, жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар, тадбиркорлар учун яратилаётган қулайликлар, имтиёзлар ва шароитлар кенг миқёсда тарғиб қилинмоқда.

**Лепесбай КАМАЛОВ, Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори.**

## Жиззах вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

**2014 йил Манзилли дастурига киритилган куйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Жиззах шаҳридаги Жиззах политехника институтини биноларини қуриш ва реконструкция қилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.**

Объектининг буюртмачи томонидан аниқланган бошланғич қиймати:

**ҚҚС: 145,005 млн. сўм, ҚҚС билан 174,006 млн. сўм.**

Объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мuddати: **2014 йил 15 июлгача.**

Ишларни молиялаштириш: давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 100-уй.

Телефон: (8372) 222-46-40, 222-26-41.

Танлов савдоларида иштирок этадиган лойиҳачи ташкилотлар куйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20% миқдоридagi айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қафолатномасига, ишлаб

чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов тақлифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун куйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: офферентларнинг танлов тақлифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл офферентларнинг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов

савдоси ташкилотчиси - **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** куйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кунини соатига чад.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан бошлаб 30 кундан кейин куйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 100-уй (виллоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), мажлислар зали.

**ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР  
МИПЛАТ ФУРУРИ,  
МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ!**

Нафиса 1990 йилда Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида туғилган. Тўрт ёшида унга отаси Алишер Мўминов шохмат ўйнашни ўргатган. Айни пайтда у Тошкент давлат жисмоний тарбия институти талабаси.

Нафиса 2002 йилда 12 ёшгача қизлар ўртасида 1-ўринни, 2005 йилда Тошкентда ўтказилган аёллар ўртасидаги чемпионатда 3-ўринни, 2007 йилда жаҳон чемпионатига минтақавий саралаш мусобақасида 1-ўринни, 2008 йилда 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида 2-ўринни, 2009 йилда «Gurgaon Open» ва «Malaysian Open» халқаро турнирларида 1-ўринни, 2010 йилда «Parsvnath» халқаро турнирида 1-ўринни эгаллаган. 2011 йилда Марказий Осиё кубоги голиби, 2012 йилда «Toshkent Open» халқаро турнири голиби, «Moscow Open-2014» турнирида 2-ўрин соҳиби, «4th HDBank Cup International Open Chess tournament 2014» голиби бўлган.

— Аввало, оилангиз ҳақида гапириб берсангиз.  
— Онам — Қаноатхон Мўминова уй бекаси. Ҳар бир мусобақада биз учун муҳимлик қилади, жон куйдиради. Иккала синглим ҳам шохмат ўйнайди. Ёшлигимизда оилавий турнирлар уюштирар эдик. Охириги пайтлар турли машгулотлар, мусобақалар билан бўлиб, бунга вақтимиз етишмаяпти. Сингилларимдан Гулруҳбегим Тоҳиржонова яқинда бўлиб ўтган «Moscow Open-2014» турнирида қатнашди. Ҳозир ёши 14 да, ФИДЕ устаси. Ўйлайманки, у келажақда мендан ҳам

# «Ўзбекистон ифтихори» деган номга лойиқ бўлишим керак

яхшироқ натижалар кўрсата олади. Унинг ёшида менинг рейтингим бунақа баланд бўлмаган. Яна бир синглим Хулқар Тоҳиржонова ҳам халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқда.

— Мусобақалар олдида ҳаяжонланасизми?

— Ҳар қандай мусобақада ҳаяжон бўлади. Халқаро мусобақаларда масъулият ҳисси икки қарра ортади. Рақиблар ҳам ўз мамлакатининг энг кучли шохматчиси ҳисобланади. Бироқ ҳар қандай вазиятда ҳам ўзимнинг энг яхши ўйинимни кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Тўғриси, қийин деган сўзни ишлатишни ёқтирмайман. Ҳаётда нимагадир эришиш учун меҳнат қилиш зарур. Баъзида одамлар ўзига ишонмайди, гоҳида эринчоқлик қилади. Мақсад сари дадил ҳаракат қилиш керак.

— «Moscow Open-2014» турниридаги иштирокингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Бу турнирда биринчи мартаба қатнашдим. Турнирни яхши бошладим. Кетма-кет учта бахсда галаба қозондим. Кейин Арабидзе, Северина ва Ванг Жуелар билан бўлган партияларда яхши позициялардан фойдалана олмадим. Турнирдаги энг ёмон ўйнаган партиям бу 8-турда Даулейти билан ўйиним бўлди. Мусобақа менда катта таассурот қолдирди. Бизнинг жамоамиз жуда аҳил. Ёшимиз ҳам тенг, ҳар доим бир гуруҳда ўйнаганмиз. Турнир якунида қумуш медал олганимдан жуда хурсанд бўлдим.



Бу юртимиз хотин-қизлари орасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса МЎМИНОВАнинг сўзи.

— Президентимиз томонидан ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида фикрингиз?

— Президентимизнинг менга кўрсатаётган ғамхўрлигидан жуда ҳам хурсандман! Ўтган йили 8 март арафасида менга замонавий компьютер жамланмасини совға қилдилар. Бу компьютер менинг шохматдаги фаолиятимда жуда зарур ва муҳим ўрин тутди. 2013 йил охирида «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирландим. Кўрсатилаётган эътиборга муносиб ва «Ўзбекистон ифтихори» деган номга лойиқ бўлишим

керак, деган фикр янада кўпроқ ишлаг ва яхши натижалар кўрсатишга ундайди.

Ўзбекистонлик хотин-қиз шохматчилар орасида биринчи бўлиб мен халқаро гроссмейстер унвонини олдим. Бу ўз олдимга янада катта мақсадлар қўйишимга туртки бўлди. Вьетнамда ташкиллаштирилган «4th HDBank Cup International Open Chess tournament 2014» мусобақасида иштирок этдим. 16 март кунни якунига

етган бу турнирда голиб бўлиб, кубок ва махсус диплом билан тақдирландим.

Режаларим ҳақида олдиндан гапиришни ёқтирмайман. Чунки, аввал унинг урдасидан чиқиш керак. Асосий мақсадим имкониятларимдан тўлиқ ва унумли фойдаланиш, ўзим иштирок этадиган ҳар бир мусобақада фақат голиблик учун курашиш.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.

**Спорт**

O'ZBEKISTON

Ўтган ҳафтанинг дам олиш кунларида футбол бўйича Ўзбекистон XXIII миллий чемпионати олий лига жамоалари янги мавсум баҳсларини бошладилар.



## Футбол мавсуми бошланди

Дастлабки турнинг «Сўғдиёна» — «Машъал» жамоалари учрашувини ҳисобга олмаганда, қолган барча ўйинларда голиблар номи аниқланди. Зоминда ўтган бахсда мезбонлар биринчи бўлиб ҳисобни очишганди. Аммо ўйин охиригача муборакликлар ўртадаги мувозанатни тикладилар — 1:1.

Турнинг шиддатли ва кескин учрашувларидан бири Косонсойда «Навбахор» — «Локомотив» футболчилари ўртасида бўлиб ўтди. Унда Иван Нагаев томонидан киритилган ягона гол пойтахт темирўлчиликларига муҳим уч очко тақдим этди — 0:1.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Бунёдкор» — «Кизилқум» — 2:1, «Андижон» — «Пахтакор» — 0:1, «Бухоро» — «Нефчи» — 1:0, «Насаф» — «Динамо» — 1:0, «Олмалик» — «Металлург» — 3:2.

Иккинчи тур ўйинлари 23 март кунни ўтказилиши белгиланган.

Эркин ХОЛБОБОВ



**ЯНГИ ФИЛЬМ**

«Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан суратта олинган «Хонадон эгаси» фильмининг сценарийси ёзувчи Эркин Аъзам қаламига мансуб. Постановкачи режиссёр Ёдгор Саъдиев. Ролларни таниқли актёр ва актрисалар ижро этишган.

## «Хонадон эгаси»нинг хонадони



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Уста Зухриддин нафақага чиққан. Ногиронлар арава-часида юради. Аммо қўлида гўлдай хунари бор: сават тўкиди. Огайниси Афзал чакқон уларни бозорда сотиб келади. Устанинг кенжа фарзанди ҳали турмуш қурмаган, қолганлари оилали. Бириси олим, бириси тадбиркор, бириси ишсиз. Шу тафовут туфайли ака-сингиллар ўртасида гап қочади. Хонадон эгасининг кўнгли бузилади. Уларни муросага келтиришга уринади.

Қахрамонларнинг ҳар бири ўзига хос характер эгаси. Пул, миннат, қаноат, сабр, муҳаббат билан боғлиқ сахналар фильмининг энг кичик персонажларида ҳам бор. Пул йўқолиши можароси эса бир қоринга сиққан фарзандларни ҳайхотдек хонадонга сиғдирмайди. Ўғрини топшиш истаги пайдо бўлади. Асар сўнггидагина томошабин кутмаган ўғри топилади. У хонадон соҳиби эди. Отанинг ўз фарзандлари учун қилган ўғрилиги ўғриликмикин? Шу савол томошабинни ўйга толдиради.

Уста Зухриддин образида алоҳида ҳикмат бор. У ногирон бўлса ҳам меҳнатдан, ибодатдан оғринмайди. Аслида бу ҳолат ён-атрофимизда турт мучаси соғ, ҳаётдан нолиб, ишсиз юрган кишилар учун сабоқдир.

Бобур ЭЛМУРОДОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси

компьютер технологиялари ва дастурларини мукамал биладиган, инглиз ва рус тилларида эркин муомала қила оладиган мутахассисларни ишга тақлиф этади.



Маълумот учун телефон: 239-46-24

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

# Чет эл капитали иштирокидаги «САВДОГАР» очик акциядорлик тижорат банки жамоаси



Ўзбекистон халқини ва банк мижозларини баҳор байрами, янгилашиш айёми — Наврўзи олам билан табриклайди.

Оиланингизга хуш кайфият, тинчлик-тошувлик, саломатлик, хонадонингизга фойзу барока тиллайди ҳамда қуйидаги омонат пуфларини тақлиф қилади:

№	Омонат турлари	Муддати
<b>Миллий валютадаги омонатлар</b>		
1	Бойчечак	3 ой
2	Кўклам нафаси	2 ой
3	Янги йил баракаси	1 ой
4	Омад қувончи	6 ой
5	Обод турмуш	1 йил
6	Хазина	6 ой
7	Сармоя	1 йил
8	Жозибадор	1 йил
<b>Чет эл валютасидаги омонатлар</b>		
1	Даромад плус	чегараланмаган
2	Комфорт	3 ой
3	Универсал	6 ой
4	Элит	12 ой

**ОБ-ҲАВО 18-19 - 03. 2014**

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

0 / +5 +12 / +17

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+3 / +8 +15 / +20

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+3 / +8 +15 / +20

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+5 / +10 +15 / +20

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+3 / +8 +12 / +17

Тошкент шаҳри

+4 / +6 +18 / +20

**Дунё бўйлаб (°C)**

Лондон +14 / +18

Париж +18 / +19

Москва +1 / +2

Мадрид +21 / +19

Пекин +17 / +14

Канберра +25 / +26

Токио +18 / +16

Стокгольм +8 / +4

Кейптаун +24 / +20

Қоҳира +30 / +27

Гавана +27 / +28

Вашингтон +15 / +14

Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси терапия бўлими мудури, олий тоифали ревматолог **Раҳимжон ФАЙЗИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Иқтисод-Молия» нашриёти жамоаси нашриёт директори Эркин Бозоровга олази **Мастура БОЗОРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**MUASSIS:**



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TAHIRIR HAY'ATI:**

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihiddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 360 22072 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21.15 Topshirilgan vaqti — 00.25

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5